

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.78.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК – ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ПАНЖИЕВ АРЗИҚУЛ ХОЛЛИЕВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁ АСОСИДА КАЛЬЦИЙ ЦИАНАМИД ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13-Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар
технологияси**

**ТЕХНИКА ФАҲЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии
Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Панжиев Арзикул Холлиевич

Маҳаллий хомашё асосида кальций

цианамид олиш технологиясини ишлаб чиқиш.....4

Панжиев Арзикул Холлиевич

Разработка технологии получение

цианамиды кальция на основе местных сырьё.....21

Panzhiev Arzikul

Development of technology obtaining

calcium cyanamide based on local raw material.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.78.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК – ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ПАНЖИЕВ АРЗИҚУЛ ХОЛЛИЕВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁ АСОСИДА КАЛЬЦИЙ ЦИАНАМИД ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13-Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар
технологияси**

**ТЕХНИКА ФАҢЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссиясида В2019.4.PhD/T1399 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-
саҳифасида (www.terzu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz)
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тоиров Зокир Қалаңдарович
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий ошпонентлар:

Шукуров Жамшид Султонович
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Эшмуродов Хуршид Эсанбердиевич
техника фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даража
берувчи PhD.03/30.12.2019.T.78.01 рақамли Илмий кенгашнинг «19» 07 2021 йил
соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз шаҳри Баркамол авлод
кўчаси, 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail:
termizdu@umail.uz.)

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот ресурс марказида
танишни мумкин (№ 6 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 190111, Термиз
шаҳри Баркамол авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17,
e-mail: termizdu@umail.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «6» 07 кун тарқатилади.
(2021 йил «6» 07 даги 4 -рақамли реестр баённомаси).



И.А.Умбаров
Илмий даража берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., доц.

Ш.А.Касимов
Илмий даража берувчи
илмий кенгаш котиби, к.ф.ф.д., доц.

Р.В.Алиқулов
Илмий даража берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, к.ф.д., доц.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда жаҳонда аммиакли селитра, карбамид ва аммоний сульфат каби азотли ўғитлардан узоқ йиллар давомида фойдаланиш натижасида миллионлаб гектар ерлардаги тупроқлар кислоталигининг ортишига олиб келди, бу эса қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Кальций цианамид аммиакли селитрага нисбатан 70 марта секин эрийдиган ўғит бўлиб, ундан ўсимликлар азотни янада самаралироқ ўзлаштиради. Шунингдек, кальций цианамид фармацевтика маҳсулотлари, пластмассалар, сунъий смолалар, бўёвчи моддалар, дефолиантлар ишлаб чиқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда дунёда шўрланган тупроқларда ва чекланган сув ресурсларида қишлоқ хўжалиги ўсимликларини етиштириш учун муҳим азотли минерал ўғит сифатида кальций цианамиддан фойдаланиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада саноатда кальций цианамид ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш учун сифатли маҳсулот олишда шихтага қўшиладиган магний оксид, кальций хлорид каби махсус қўшимчаларнинг маҳсулот хоссаларига таъсирини аниқлаш, технологик жараёнлар шароитларини мақбуллаштириш, содир бўладиган реакцияларни кинетик жиҳатдан асослаш, кальций цианамид олишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда кимё саноатида янги турдаги материаллар ишлаб чиқариш йўналишида маълум натижаларга эришилди, жумладан маҳаллий бозорни импорт ўрнини босувчи кимёвий реагентлар билан таъминлаш соҳасида кенг қўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Инновацион технологияларни тадбиқ этиш орқали саноат объектларини юритишнинг илмий асосланган тизими ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг чора-тадбирларини амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ “маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида, юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, сифат жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзгартиришга” қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада республикамизда маҳаллий хомашёлар асосида азотли минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, уларнинг турларини кенгайтириш, таннархини камайтиришда маҳаллий ресурслар, жумладан, оҳақтош, аммиак асосида кальций цианамид олиш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги Фармони ҳамда 2018 йил 25

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

октябрдаги ПҚ-3983-сон “Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2019 йил 3 апрелдеги ПҚ-4265-сон “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибadorлигини ошириш” тўғрисидаги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. “Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот мавзусига доир илмий-техникавий адабиётлардаги маълумотлар таҳлилига кўра, органик ва ноорганик бирикмалар асосида кальций цианамид олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича А.Франк, Н.Каго, А.Рейтцин, П.Е. Казарян, В.А.Шушунов, А.М.Павлов, Ю.М.Дергунов, В.Г.Голов, М.Г.Габриелова, К.Дедман, И.Овен каби олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишларини олиб борилган.

Ўзбекистонда проф. Сигов С.А. бошчилигида азотли ўғитлар чиқиндиси бўлган оҳак, магний оксиди, саноат аммиаки ва карбонат ангидриддан кальций ва магний цианамидини олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий мактаб яратилган. Бу борада Якубов Ш.А., Лейкин З.М., Дайчи Р.И., Терехин Е.Л., Панжиев О.Х., Сайфулин Р.З., Оразимбетов Б. ва бошқа олимлар томонидан юқори масштабли илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган бўлиб, натижада, карбидсиз усул билан кальций цианамид ишлаб чиқариш технологик схемасини ишлаб чиқиш ва унинг илмий-назарий асосларини яратишга катта хисса қўшганлар.

Шуни таъкидлаш керакки, юқорида айтиб ўтилган олимлар Джамансай конининг оҳактошидан олинган оҳак ва карбонат ангидрид асосида кальций цианамид олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб бормаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти ва Қарши муҳандислик – иқтисодиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №Ф-7-31 “Денгиз ва кўл туз чўкиндиларини физик-кимёвий таҳлили ва уларни комплекс қайта ишлашнинг илмий асослари” (2012-2017 й.) №ИТД-12-36 “Тюбетаган кони силвинитларини комбинацияланган усулда бойитиш технологиясини ишлаб чиқиш” (2014-2016 йй.) мавзусидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Джамансай конининг табиий оҳактошини куйдириш натижасида олинган оҳак, карбонат ангидрид ва саноат аммиагидан карбидсиз усулда кальций цианамид олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аммиакнинг парчаланиш ҳарорати бошланиши ва 373 – 1473 К ҳарорат оралиғида аммиак ва карбонат ангидрид ўртасидаги кўшимча кимёвий реакциялар эҳтимолини аниқлаш учун термодинамик тадқиқотлар ўтказиш;

оҳак, карбонат ангидрид ва аммиакдан кальций цианамид синтез қилишнинг кинетик қонунларини аниқлаш;

турли ҳароратларда кальций цианамид олиш жараёнида чиқадиган газларнинг таркибини аниқлаш;

кальций цианамид синтези жараёнига газлар аралашмалари ҳажмий тезлигининг таъсирини аниқлаш;

кальций цианамид унумига кальций оксиди донадорлиги, газлар нисбати ва жараён давомийлигининг таъсирини тадқиқ қилиш;

олинган кальций цианамид таркибини аниқлаш;

кальций цианамид олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва техник-иқтисодий асослаш;

ишлаб чиқилган кальций цианамид олиш технологиясини тажриба синовларини ўтказиш.

Тадқиқот объекти сифатида Жамансай кони оҳактоши, оҳак, карбонат ангидрид, кальций цианамид олинган.

Тадқиқот предметини Жамансай конининг табиий оҳактошидан олинган оҳак, карбонат ангидрид ва саноат аммиагидан кальций цианамид олиш технологиясини ишлаб чиқиш ташкил этган.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишини бажаришда қаттиқ фазаларни миқдорий кимёвий таҳлил қилишда рентген фазавий таҳлил, газ хроматографияси, элемент таҳлили, шунингдек олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор кальций цианамид синтези жараёнида аммиак парчаланишининг бошланғич ҳарорати 456-458 Кда бўлиши аниқланган;

кальций цианамид олишда ҳароратнинг ошиши билан реактордан чиқинди газлар таркибидаги аммиак ва карбонат ангидрид миқдори камайиши аниқланган;

Жамансай кони оҳактошини куйдириш натижасида олинган оҳак, карбонат ангидрид ва саноат аммиагидан кальций цианамид олишнинг мақбул технологик параметрлари аниқланган;

оҳак, карбонат ангидрид ва саноат аммиакдан кальций цианамидни олишнинг карбидсиз технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

оҳак, карбонат ангидрид ва саноат аммиакдан кальций цианамид олиш технологиясини яратиш учун техник ечимлар ишлаб чиқилган;

азотли ўғит ва самарали дефолиант – кальций цианамидни олишнинг технологик схемаси ишлаб чиқилган ва жараённинг оптимал технологик параметрлари аниқланган.

Тажриба қурилмасида кальций цианамиднинг тажриба партияси ишлаб чиқарилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотнинг хулосалари ва тавсияларнинг асосланганлиги, олинган моддаларни идентификациялашда замонавий, юқори информацион физик-кимёвий усуллари (рентгенографик, газ хроматографияси, элемент таҳлили) ва кимёвий тадқиқотлардан фойдаланилганлиги ва ишлаб чиқилган кальций цианамид олиш технологияси, унинг қўлланиши тажриба-саноат синовларида апробация қилинган ҳамда ишлаб чиқаришга қўлланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларини илмий аҳамияти кальций цианамид олиш жараёнида содир бўладиган реакцияларнинг термодинамик параметрлари, аммиак ва карбонат ангидридга нисбатан реакциясининг тартиби ва кимёвий реакциясининг тезлигини чекловчи босқичларини аниқлаш асосида кальций цианамид олиш технологияси таклиф қилингани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Жамансай конининг табиий оҳактошидан олинган оҳак ва карбонат ангидрид асосида кальций цианамид ишлаб чиқаришнинг таклиф этилган самарали технологияси азотли минерал ўғит кальций цианамид олишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жамансай конининг табиий оҳактошидан олинган оҳак, карбонат ангидрид ва саноат аммиагидан кальций цианамид олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

карбидсиз усулда кальций цианамид олиш технологияси “Электрокимё завод” АЖ қўшма корхонасида кальций цианамид олишда жорий қилинган (“Электрокимё завод” АЖ қўшма корхонасининг 2021 йил 5 январдаги 02-сон маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқилган кальций цианамид олиш технологияси асосида секин эрийдиган кальцийли ва ишқорли ўғит – кальций цианамид ишлаб чиқариш имконини берган;

Жамансай конининг табиий оҳактошидан олинган оҳак, карбонат ангидрид ва саноат аммиаги асосида кальций цианамид олиш усули “Электрокимё завод” АЖ қўшма корхонасида юқори самарали азотли ўғит олишда жорий қилинган (“Электрокимё завод” АЖ қўшма корхонасининг 2021 йил 5 январдаги 02-сон маълумотномаси). Натижада, шўрланган тупроқларда ва чекланган сув ресурсларида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун самарали минерал ўғит ва 48-72 соат ичида парчаланадиган, юмшоқ таъсир этадиган дефолиант олиш имконини берган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шу жумладан, Республикада 1 та ва хорижий журналларда 4 та илмий мақолалар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 104 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалар, тадқиқот объектлари ва предметлари берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истиқболлари бўйича хулоса қилинган ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **“Кальций цианамид олиш технологиясини такомиллаштиришнинг замонавий ҳолати”** деб номланган биринчи бобида адабиётлар маълумотларини танқидий таҳлил қилиш, тайёргарликни ўрганишга бағишланган ва чет эл ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг кальций цианамиддан фойдаланиш натижалари берилган.

Кальций цианамидни олишнинг турли усуллари ва маҳаллий хом ашёлардан ишлаб чиқаришни ташкил қилиш имкониятлари таҳлил қилинган. Адабиётлар материални таҳлил қилиш асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг **“Кимёвий ва физик-кимёвий таҳлиллар ҳамда тажрибаларни ўтказиш усуллари”** деб номланган иккинчи бобида кимёвий ва физик-кимёвий таҳлиллар ўтказиш методикаси, бошланғич материалларнинг хусусиятлари ва тажриба усуллари берилган.

Учинчи бобда **“Кальций цианамид ишлаб чиқаришда оҳак, аммиак ва карбонат ангидриднинг ўзаро кимёвий таъсири термодинамик тадқиқотлари”** натижалари берилган.

Назарий жиҳатдан, кальций цианамидни синтез қилиш пайтида ёндош кимёвий реакциялар - аммиакнинг термик парчаланиши ҳамда аммиак ва карбонат ангидрид ўртасидаги кимёвий реакция бориши мумкин. Ушбу масалани ўрганиш жуда муҳим амалий аҳамиятга эга, чунки бу ёндош реакциялар энг қиммат компонент - аммиакни йўқотишига олиб келади.

Шунинг учун нисбатан янги физик-кимёвий константаларга асосланган термодинамик ҳисоб-китобларда ёндош кимёвий реакциялар содир бўлишининг учта варианты кўриб чиқилди: биринчидан, элементар азот ва водород ҳосил бўлиши билан аммиакнинг термик парчаланиши; иккинчидан – метан ҳамда сув буғининг ҳосил бўлиши билан карбонат ангидрид ва

аммиак ўртасидаги кимёвий реакция; учинчидан - худди шу олдинги реакция фақат углерод, азот, сув буғлари ва водород ҳосил бўлиши билан боради.

1-жадвал

Иссиқлик эффеќти, Гиббс энергиясининг ўзгариши ва аммиакнинг ҳар хил ҳароратда парчаланиши учун логарифмик мувозанат константасининг ҳароратга боғлиқлиги

T, K	Q _p		ΔG		lgK _p
	кал/моль	ж/моль	кал/моль	ж/моль	
373	-116674,20	-48815,581	+2118,309	+8862,984	-1,2411
473	-12046,9	-50404,229	-415,141	-1736,95	+0,1918
573	-12393,931	-51856,207	-3038,167	-2711,69	+1,1587
673	-12703,199	-53150,184	-5724,142	-3949,81	+1,8587
773	-12972	-54275	-8458,621	-35390,87	+2,3913
873	-13199,737	-55227,699	-1122	-4697	+2,8104
973	-13384,890	56002,379	-14022,094	-58668,441	+3,1493
1073	-13527,271	-56598,101	-16834,099	-70433,87	+3,4285
1173	-13626,375	-57012,753	-20096,474	-84083,647	+3,7440
1273	-13682,162	-57246,165	-22491,865	-94105,963	+3,8611
1373	-13694,412	-57297,419	-25328,673	-105975,16	+4,0314
1473	-13663	-57166	-28163,612	-117836,55	+4,1783

Термодинамик ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики (1-жадвал), $2\text{NH}_3 \leftrightarrow \text{N}_2 + 3\text{H}_2$ реакциясида иссиқлик ажралиб чиқади ва бу реакция 373-1473 К ҳарорат оралиғида эндотермик бўлади. Бу эрда ҳароратнинг ошиши билан тизимнинг эндотермиклиги ошади.

Тўртинчи бобда “Асосий технологик параметрларнинг кальций цианамидни олиш жараёнига таъсирини ўрганиш” натижалари келтирилган.

Асосий технологик параметрлардан бири ҳароратдир, бу асосан энергия харажатларини аниқлайди.

Таъриба натижалари (2-жадвал) шуни кўрсатдики, ҳарорат 700 дан 800°C гача кўтарилганда, синтез қилинган маҳсулотдаги азот миқдори ортиб, максимал қийматига (31,40%) етади ва ҳароратнинг 800°C дан юқори кўтарилиши билан камайишни бошлайди.

800°C дан паст ҳароратларда куйдирилган маҳсулотдаги азот миқдори нисбатан паст бўлади, бу калций цианамидни олиш учун кимёвий реакциянинг тўлиқ ўтмаганлиги билан изоҳланади, ҳарорат 800°C дан юқорига кўтарилиши билан унинг таркибидаги азот миқдорининг пасайиши эса асосий таркибий қисмлардан бири бўлган аммиакнинг термик парчаланиши билан изоҳланади.

2-жадвал

Калций цианамидни олишда маҳсулотдаги азот миқдорининг ҳарорати боғлиқлиги

Синтез ҳарорати, °C	700	750	800	850	900
Азот миқдори, %	15,60	25,10	31,40	27,90	22,30

Шуни таъкидлаш керакки, 800°C дан паст ҳароратларда синтез қилинган куйдириш маҳсулоти таркибида калций карбонат борлиги аниқланди, бу эса ушбу шароитда оҳак ва карбонат ангидрид билан кимёвий реакция содир бўлиши билан изоҳланади. 800°C ва ундан юқори ҳароратларда ёпик шароитда оҳак ва карбонат ангидрид ўртасидаги реакциянинг мувозанати калций карбонатнинг парчаланиши томон силжийди, натижада у куйдирилган маҳсулотда бўлмайди.

Мақбул ҳароратда ўтказилган тажрибаларда, таркибида эркин углерод ёки қурум йўқлигини кўрсатадиган оқ рангли донадорланган маҳсулот олинди ва кимёвий таҳлил карбонат ва цианид ионларининг йўқлигини аниқ кўрсатди.

Нисбатан юқори ҳароратларда калций цианамид олишда реактордан чиқадиган газлар таркибидаги аммиак ва карбонат ангидрид миқдори камайди ва аммиак миқдори карбонат ангидридга қараганда анча юқори даражада камайди. Масалан, ҳарорат 700 дан 900°C гача кўтарилиши билан аммиак миқдори 7,46% га, карбонат ангидрид эса атиги 0,60% га камайди. Эҳтимол, буни аммиакнинг қисман парчаланиши билан изоҳлаш мумкин, бу реактордан чиқадиган газларда азот ва водород миқдорининг кўпайиши билан асосланади. Ҳароратнинг 700 дан 900°C гача кўтарилиши билан чиқинди газлардаги азот миқдори 2,0% га, водород эса 6,0% га ошди.

Углерод оксиди миқдори минимал ва деярли ҳароратга боғлиқ эмас. Ўрганилаётган ҳарорат оралиғида углерод оксиди миқдори 0,18-0,25% гача ўзгарган.

Деярли бир хил маълумотлар чиқинди газлар таркибидаги метан миқдори ҳақида бўлиб чиқди, унинг таркиби 0,22-0,31% гача ўзгариб турди.

Тадқиқот маълумотлари термодинамик ҳисоб-китобларнинг натижаларини тасдиқлади ва углерод оксиди ҳамда метан аммиак ва карбонат ангидрид ўртасидаги ён реакциянинг маҳсулоти эмас, балки ишлатилган дастлабки газ аралашмалари таркибида жуда оз миқдордаги аралашмалар бўлиши мумкинлигини кўрсатди.


Калций цианамидни синтез қилиш жараёнида маҳсулотдаги азот миқдорининг дастлабки газ таркибий қисмларининг нисбатига боғлиқлиги

CO ₂ :NH ₃ нисбати	12:1	9:1	5:1	3:1	1:1	1:3	1:5	1:9	1:12
Маҳсулотдаги азотнинг миқдори, %	26,76	25,90	25,08	25,69	25,90	28,65	29,38	31,40	31,37

Тадқиқот маълумотлари шуни кўрсатдики, дастлабки газ аралашмасидаги аммиак миқдори карбонат ангидрид таркибига қараганда кўпроқ таъсир кўрсатади. CO₂:NH₃ нисбатининг 12:1 дан 1:1 гача ўсиши маҳсулотдаги таркибни 26,76 дан 25,90% гача камайди ва 1:1 дан 1:9 гача бўлган нисбатда унинг таркиби 25,9 дан 31,40% гача ошади, яъни 5,5% га ўсди (2-жадвал).

CO₂:NH₃ нисбатининг 1:9 дан ошиши билан маҳсулотдаги азот миқдори деярли кўпаймайди, бу эса ушбу нисбатни мақбул деб ҳисоблашга имкон беради.

Калций цианамидни олишда таркибий қисмларнинг ўзаро таъсир қилиш вақти катта амалий аҳамиятга эга, чунки бу газ аралашмасининг оқим тезлигини ва бутун қурилманинг ишини аниқлайди.



1-расм. Синтез давомийлигининг маҳсулотдаги азот таркибига таъсири

Олинган маълумотлар (2-расм) шуни кўрсатдики, жараён давомийлиги ошиши билан маҳсулотдаги азот миқдори кўпаяди.

2-расмдаги эгри чизиқларнинг характери мувозанат жараёнларига мос келади. Синтез жараёнининг бошланғич даврида қисман ва мувозанат босимлари ($\Delta P = P_{\text{парц}} - P_{\text{рав}}$) ўртасидаги фарқ сифатида аниқланган ҳаракатлантирувчи куч муҳим аҳамиятга эга. Мувозанатга яқин вақтда

ҳаракатлантирувчи куч ΔP пасаяди, бу маҳсулотдаги азотнинг тўпланиш тезлигини пасайишига олиб келади. Мувозанатга эришиш вақтида ($\Delta P = 0$) маҳсулотдаги азот миқдори максимал мувозанат қийматига етади.

Ушбу қонуният эгри чизиқнинг табиатини тасдиқлайди, бу дастлабки даврда (90 дақиқагача) амалда тўғри чизиқда ўсиб боради ва кейин горизонтал ҳолатга ўтади.

Дастлабки шихтанинг заррачаси катталиги таъсирини ўрганиш бўйича тажрибалар натижасида (3-жадвал), бир марталик шихтадан ҳосил бўлган маҳсулот таркибида донадорланган оҳакга қараганда 9-13% кам азот борлиги аниқланди. Азот таркибидаги сезиларли фарқ, парчаланадиган материалнинг юқори пластиклиги билан боғлиқ бўлиб, диффузион қаршиликни оширади.

4-жадвал

Дастлабки шихта заррачаси катталигининг цианамид таркибидаги азот миқдорига (%) таъсири

№	Дастлабки шихтанинг номи	Заррача ўлчами, мм					
		0,5-1,0	1,0-2,0	2,0-3,0	3,0-4,0	5,07-7,0	7,0-10,0
1	Донадорланган оҳак	17,51	30,12	31,40	30,87	29,40	27,96
2	Бўлакли оҳак	14,60	19,67	20,51	20,82	19,72	18,68

Кальций цианамидни ишлаб чиқариш учун мақбул донадорланган оҳаклар ҳажми 2-3 мм деб қабул қилинди, бу ҳам агросаноатнинг минерал ўғитларга бўлган талабларига жавоб беради.

Кинетик тадқиқотларда, авваламбор, калций оксиди, аммиак ва карбонат ангидридга нисбатан кимёвий реакциянинг тартиблари аниқланди. Муайян тартибларни аниқлаш шуни кўрсатдики, карбонат ангидрид учун ҳосил бўлиш реакциясининг тартиби 0,416, аммиак учун эса - 0,71205.

Реакция тартибларининг кўрсаткичи касрли бўлгани учун, бу калций оксидининг аммиак ва карбонат ангидрид билан кимёвий таъсир ўтказиш жараёни мураккаблигини ва унинг механизмини оддий стехиометрик тенглама билан ифодалаш мумкин эмаслигини кўрсатади.

Муайян реакция тартибларига асосланиб, оҳак, аммиак ва карбонат ангидриддан калций цианамид ҳосил бўлишининг гетероген жараёни бир қатор кетма-кет босқичларни ўз ичига олган мураккаб жараён деб ҳисоблаш мумкин. Шу муносабат билан умумий тезлик энг секин босқичнинг тезлиги билан белгиланади.

Биз ўрганилаётган жараённинг чекловчи босқичи қаттиқ оҳак зарралари юзасида кимёвий таъсир ўтказиш деган фаразни илгари сурдик. Буни текшириш учун калций цианамидни синтез қилиш учун мақбул шароитларда бир қатор тажрибалар ўтказилди.

Тажрибанинг бошқа барча шартлари доимийлиги билан ўзгаришлар киритилди: дастлабки газ аралашмасига таъсир қилиш жараёни давомийлиги 15 дан 120 минутгача, шунингдек, ҳарорат 700 дан 900°C гача бўлган.

Тажриба маълумотларига асосланиб, ҳарорат ва жараён давомийлигининг калций цианамиддаги азот таркибига таъсирини кўрсатадиган графикалар тузилди.


Таҳлил натижалари ушбу бобда келтирилган калций цианамидни олиш жараёнига ҳароратнинг таъсири ҳақидаги тажриба маълумотларга тўлиқ мос келади. Эгри чизиқларнинг табиати шуни кўрсатдики, синтез жараёнининг бошланғич даврида улар тиклиги билан фарқ қилади, бу эса маҳсулотнинг

юқори тезликда ҳосил бўлишига мос келади. Синтез жараёнининг давомийлиги ошиши билан эгри чизиқлар текислашди, бу эса тўғри ҳарорат учун калций цианамиднинг мувозанат доимийлигини олишни ақс эттирди.


Тадқиқот натижаларига кўра, калций цианамидни ишлаб чиқариш жараёнининг чекловчи босқичи дастлабки газ таркибий қисмларининг маҳсулот қатлами орқали тарқалиши деган хулосага келиш мумкин.

Синтез қилинган маҳсулотни кимёвий ва рентген фазали таҳлиллари натижасида таркибида калций цианамид, шунингдек, дастлабки шихтанинг реакцияга киришмаган қисми бўлган тахминан 12,5% калций оксиди мавжуд.

Олинган маълумотлардан келиб чиқадиган бўлсак, натижада ҳосил бўлган маҳсулотдаги азот миқдори ҳарорат ошиши билан ошиб боради ва 800°C да максимал 31,40% га етади ҳамда унинг кўпайиши билан у пасайишни бошлайди. 800°C дан паст ҳароратларда азотнинг нисбатан пастлиги калций цианамидни синтез қилиш учун кимёвий реакциянинг тўлиқ бўлмаганлиги билан изоҳланади ва 800°C дан юқори ҳарорат кўтарилиши билан унинг таркибидаги пасайиш термик парчаланиш билан боғлиқ аммиак, асосий бошланғич таркибий қисмларидан бири.



2-расм. Маҳсулот таркибидаги азот миқдорининг ҳароратга боғлиқлиги




3-расм. Чиқётган газларидаги аммиак миқдорининг ҳароратга боғлиқлиги


Олинган тадқиқот маълумотлари шуни кўрсатадики, синтез қилинган калций цианамидидаги азот миқдори кўпайиб, 800°C да максимал 31,40% га етади ва ҳароратнинг ортиши билан у пасайишни бошлайди. 800°C дан паст ҳароратларда азотнинг нисбатан паст миқдори калций цианамидни синтез қилиш учун кимёвий реакциянинг тугалланмаганлиги билан изоҳланади ва ҳарорат 800°C дан кўтарилиши билан унинг таркибидаги пасайиш асосий дастлабки таркибий қисмлардан бири бўлган аммиакнинг термик парчаланиши билан боғлиқ.

Синтез қилинган маҳсулот таркибидаги азот миқдорининг бундай ўзгариш табиати амалда маълум бўлган маълумотларга мос келади.


800°C дан паст ҳароратларда олинган маҳсулот таркибида калций карбонат борлиги аниқланди. Бунинг сабаби шундаки, ушбу шароитда калций карбонат ҳосил бўлишининг куйидаги кимёвий реакцияси қисман содир бўлади:



800°C ва ундан юқори ва ёпиқ шароитда ушбу реакция мувозанати чап томонга силжийди, бу маҳсулотда калций карбонат йўқлиги учун сабаб бўлади.




4-расм. Чиқётган газларидаги карбонат ангидрид миқдорининг ҳароратга боғлиқлиги



5-расм Чиқётган газлар таркибидаги азот миқдорининг ҳароратга боғлиқлиги

Цианамид калцийини олиш жараёнидаги чиқинди газлар таркибида газсимон таркибий қисмлар бўлиши мумкинлиги, уларнинг мавжудлиги, аввало, ишлатилган хом ашё турига ва калций цианамид синтези жараёнида юзага келадиган бир қатор жараёнларга боғлиқлигини кўрсатувчи маълумотлар мавжуд. Келтирилган омиллар углерод моно ва диоксидлари, аммиак, водород цианид, азот, водород, сув буғлари ва бошқалар мавжуд бўлишининг сабаби бўлиши мумкин.

Чиқинди газларнинг таркиби ва миқдори ёки тайёр маҳсулот таркибидаги азот миқдори кимёвий реакция билан реактивларнинг стехиометрик ҳисоб-китоблари орқали аниқланди.




Тадқиқот маълумотлари (6-расм) шуни кўрсатадики, калций цианамидни олиш ҳароратининг 700 дан 850°C гача кўтарилиши билан чиқинди газлар таркибидаги карбонат ангидрид миқдори камаяди. Ҳароратнинг 850°C дан ортиши карбонат ангидрид миқдори ошишига олиб келади.


Ушбу қонуниятни ҳарорат ошиши билан маҳсулотдаги азот миқдорининг кўпайиши ва кейин пасайиши билан изоҳлаш мумкин. Маҳсулот таркибидаги азот миқдорининг камайиши калций цианамидни синтез қилиш учун кимёвий реакцияга озроқ карбонат ангидрид киришига олиб келади.

Калций цианамидини олиш жараёнининг ҳароратга боғлиқлигини ўрганиш бўйича тажриба маълумотлари шуни кўрсатадики, ҳарорат ортиши билан маҳсулотдаги азот миқдори ошиб, 800°C ҳароратда максимал қийматга етиб боради ва ҳароратнинг кейинги ортиши билан азот миқдори камаяди.


Олинган маҳсулот оқ рангга эга бўлиб, унда эркин углерод йўқлигини исботлайди.



6-расм. Чикаётган газлар таркибидаги водород миқдорининг ҳароратга боғлиқлиги



7-расм. Чикаётган газлар таркибидаги углерод оксиди миқдорининг ҳароратга боғлиқлиги



8-расм. Чикаётган газлар таркибидаги метан миқдорининг ҳароратга боғлиқлиги

Калций цианамид энг мақбул 800°C ҳароратда азот миқдори 31,40% бўлган кучли доначалар шаклида олинган. У таркибида карбид усули билан олинган калций цианамиддан 1,5 баравар кўпроқ азот мавжуд.

Чикарилган газлар таркибини таҳлил қилиш натижалари (4-5-расм) шуни кўрсатдики, ҳарорат кўтарилиши билан карбонат

ангидрид ва аммиак миқдори камаяди, аммиак миқдори карбонат ангидридга қараганда анча камаяди, аммиак парчаланишининг ёндош кимёвий реакцияси билан изоҳланади.

Чикаётган газларда метан ва углерод оксиди миқдори кам бўлган (0.19-0.31), бу газларни ҳар қандай ёндош реакцияларнинг маҳсулоти деб ҳисобламасликка асос беради.


Бешинчи боб “Карбидсиз усулда калций цианамидни ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси ва иқтисодий самарадорлиги” ни ишлаб чиқишга бағишланган. Калций цианамидни карбидсиз усулда ишлаб чиқариш бўйича тажрибавий синовлар “Электрокимёзавад” ҚК АЖда ўрнатилган қурилмада ўтказилди. Калций цианамиднинг ишлаб чиқариш бўйича синовларни ўтказишда саноат газлари - синтетик аммиак ва Жамансой конининг табиий оҳактошини ёқиш пайтида ҳосил бўлган тозаланган карбонат ангидрид ишлатилган.

Шихта тайёрлаш учун оҳак 900°C да икки соат давомида Жамансой конининг табиий оҳактошини куйдириш йўли билан олинган.

Синовлар қуйидаги технологик параметрлар билан амалга оширилди:

1. Дастлабки газ аралашмасидан ўтиш давомийлиги 90 минут.

2. Калций цианамид синтезининг ҳарорати - 800°C.
3. Карбонат ангидрид ва аммиакнинг нисбати 1:9.
4. Дастлабки газ аралашмасининг ҳажмий тезлиги 6000 соат⁻¹ га тенг.



9-расм. Калций цианамидни карбидсиз усулда ишлаб чиқаришнинг принципиал технологик схемаси

- | | |
|-----------------------------|---|
| 1. Оҳактошни куйдириш печи | 11. Шихта иситгич |
| 2. Газни тозалаш филтри | 12. Калций цианамид реактори |
| 3. Алюмогелли адсорбер | 13. Циклон |
| 4. Силикагелли адсорбери | 14. Углерод диоксид учун иссиқлик алмашувчиси |
| 5. Оҳак бункери | 15. NH ₃ учун иссиқлик алмашувчиси |
| 6. Сув йиғувчи | 16. Аммиак абсорбери |
| 7. Гранулятор | 17, 18. Углерод диоксид иситгичи |
| 8. Шихта олиш учун курутгич | 19. NH ₃ иситгич |
| 9. Майдалагич | 20. Вентилятор (тутун чиқадиган) |
| 10. Классификатор | |

Қурилмада калций цианамидни ишлаб чиқаришни амалга оширишнинг моҳияти куйидагича: дастлаб тайёрланган оҳакни майдалаш, кейин куйқа ҳолатига келтириш ҳамда қоришма массасини олиш орқали шихта тайёрланди. Олинган масса 120°C да курутилди ва гранулага айлантирилди. Калцийни цианамид синтез қилиш бўйича тажрибалар шихта билан амалга оширилди, унинг гранулалари ҳажми 2-3 мм. Шихта газ тақсимлаш панжара остида жойлашган инерт материаллар ўрнатилган вертикал цилиндрсимон реакторга юкланди. Тажрибалардан олдин ва кейин аммиакнинг ҳаво атмосфераси кислороди билан ўзаро кимёвий таъсирдан келиб чиқадиган ёнғин ва портлаш хавфини йўқотиш учун реакторга инерт азот юборилади.

Тажрибавий синовлар натижасида азот миқдори 31,40% гача бўлган қаттиқ гранулалар шаклида оқ калций цианамид олинди. Олинган

маҳсулотнинг оқ ранги эркин углерод йўқлигини кўрсатади. Ренографик фазалар таҳлилида маҳсулот таркибида эркин углерод ва калций карбид йўқлиги аниқланди ҳамда таркибида калций цианамид, шунингдек, тахминан 12,5% калций оксиди борлиги аниқланди, бу дастлабки шихтанинг реакцияга киришмаган қисмидир.

Шундай қилиб, тажриба қурилмасида Жамансой конининг табиий оҳақтошидан олинган калций оксидидан калций цианамиднинг тажриба намунасини олиш технологияси саноат газлари - аммиак ва тозаланган карбонат ангидрид таъсирида синовдан ўтказилди.

Олинган маҳсулот таркибида карбидсиз усул билан турли хил катализаторлар ёрдамида синтез қилинган калций цианамиддан 1,7 баравар кўпроқ боғланган азот мавжуд. Таркиби, физик-кимёвий хоссалари ва гранулалари ҳажми бўйича карбидсиз усул билан олинган калций цианамид қишлоқ хўжалиги талабларига тўлиқ жавоб беради.

Олинган маҳсулот таркибида калций карбидининг йўқлиги мақбул омилдир, бу омборда ва бино ичида сақлаш пайтида ёнғин ва портлаш хавфини истисно қилади.

Калций цианамидни карбидсиз усулда ишлаб чиқариш учун техник-иктисодий асос. Ўзбекистон Республикасида калций цианамид ишлаб чиқарилмайди ва шунинг учун мавжуд ишлаб чиқариш йўқлиги сабабли қиёсий техник ва иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш амалга оширилмаган. Бир қатор МДХ мамлакатларида мавжуд бўлган карбид усули билан калций цианамидни ишлаб чиқариш технологияси карбидсиз усул билан таққослаганда тежамкор эмас.

Саноат шароитида карбид усули ёрдамида азот миқдори 18-23% (карбидсиз усулда - 30-31%) калций цианамид олинади. 1 тонна боғланган азотни ишлаб чиқариш учун 13000-15000 кВт/соат электр энергияси истеъмол қилинади (карбидсиз - 660 кВт/с).

Бир қатор яхшиланишларга қарамай, калций цианамидни ишлаб чиқариш учун карбид усули жуда қийин, энергия талаб қиладиган ва кўп босқичли жараён дир. Шу билан бирга, калций карбидидан фойдаланиш даражаси 74,5% ни, азот назарий жиҳатдан 31,4% ни ташкил қилади ва маҳсулот тўқ кулранг ёки баъзан қора таркибида азотга қўшимча равишда 12% гача эркин углерод, 13 -14% калций оксиди ва 2-3% калций карбид бўлади.

Маҳсулот таркибида калций карбидининг мавжудлиги сақлашда портлаш хавфини юзага келтириши мумкин. Калций цианамидини ишлаб чиқариш учун карбидли усулининг жиддий камчиликлари, шунингдек, технологик жараённинг даврийлиги, цианамидли печларнинг кам қувватлилиги, бу ҳар бир корхонада улкан ишлаб чиқариш майдонларини эгаллаб турган бир неча юзлаб шундай печларни қуришни талаб қилади, уларнинг хизмати қийин иш шароитлари билан боғлиқ.

Калций цианамидини ишлаб чиқариш учун карбидсиз усули ушбу камчиликлардан ҳоли, шубҳасиз, янада илғор ва юқори техник-иктисодий кўрсаткичларга эга.

Қуйида карбидсиз усул билан олиб бориладиган калций цианамид таннархининг тахминий ҳисоб-китоби тижорат маҳсулоти сифатида калций цианамид чиқарилиши учун амалга оширилди. Бундан ташқари, калций цианамид, агар уни ишлаб чиқариш азотли ўғитлар ишлаб чиқарадиган завод ичида ташкил этилган бўлса, арзон калций цианамид ёки тиомочевина олиш учун ишлатилиши мумкин. Ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқаришда олинган шламлардан яна калций цианамидни олиш учун фойдаланиш мумкин, бу эса ўз навбатида асосий маҳсулот калций цианамидини ишлаб чиқариш учун хом ашё етказиб беришни соддалаштириш орқали калций цианамиди нархининг пасайишига олиб келади. Ҳисоб-китобларда хом ашёнинг ишлаб чиқаришдаги йўқотишлари 10% ни ташкил қилади.

Калций цианамидни ишлаб чиқариш қиймати аммиакли селитранинг нархидан бироз юқорироқ бўлиб чиқди, аммо бу уни қўллаш пайтида тупроқнинг физиологик хусусиятларини яхшилаш билан қопланади. Калций цианамидни дефолиант сифатида ишлатганда ва эркин цианамид ва тиомочевина ишлаб чиқариш учун олинган маҳсулот таннархи жуда мақбулдир.

Хулоса

1. Жамансай кони оҳактошидан олинган оҳак, карбонат ангидрид ва саноат аммиагидан кальций цианамид олиш усули таклиф этилди ҳамда кинетик тадқиқотлар натижасида кальций оксиди, аммиак ва карбонат ангидрид ўртасидаги кимёвий реакция тартиби карбонат ангидрид учун 0,416 ни, аммиак учун эса 0,71205 бўлиши аниқланди.

2. Карбидсиз усулда кальций цианамид олиш жараёнини термодинамик тадқиқ қилиш натижасида аммиакнинг термик парчаланишининг ҳарорати 456-458 К га тенг бўлиши 1,11% нисбий хатолик билан аниқланди. Кальций цианамидини олишнинг мақбул шароити: дастлабки шихта – донадор грануланнинг ўлчами- 2-3 мм; аралашма тайёрлашда $\text{CO}_2:\text{NH}_3 = 1:9$; бошланғич газ аралашмасининг ҳажмий тезлиги – 6000 c^{-1} ; жараён давомийлиги – 90 мин; синтез ҳарорати - 800°C бўлиши таклиф этилди.

3. Биринчи марта кальций цианамид синтези пайтида карбонат ангидрид ва аммиак ўртасидаги реакцияларнинг термодинамик катталиклари иссиқлик эффектларининг ҳисобланган қийматларига мувофиқ ҳисобланди ва 1043 К да Гиббс энергиясининг ўзгариши мос равишда – 202383,94 +36290,80 Дж/мол га тенг бўлиши кўрсатиб берилди.

4. Жамансай кони оҳактошини ва саноат аммиагини ёқиш натижасида олинган оҳак ва карбонат ангидрид ҳамда саноат аммиакдан кальций цианамид олиш технологияси ишлаб чиқилди. Кальций цианамидни олиш ҳароратининг ошиши билан реактордан чиқинди газлар таркибидаги карбонат ангидрид ва аммиакнинг миқдори камайиши ва аммиакнинг улуши аммиакнинг парчаланиши сабабли тезроқ камайиши аниқланди. Жамансай конининг оҳактошини қиздириш йули билан концентрланган карбонат ангидридни олиш учун силикагел ва алюмогел билан тўлдирилган абсорберларда адсорбциялаш тавсия этилди.

5. Ишлаб чиқилган карбидсиз усулда кальций цианамид олиш технологияси “Электрокимёзавад” АЖ қўшма корхонасида секин эрийдиган кальцийли ва ишқорли ўғит - кальций цианамид ишлаб чиқаришда амалиётга жорий қилинди. Ишлаб чиқарилган кальций цианамид шўрланган тупроқларда ва чекланган сув ресурсларида қишлоқ хўжалиги экинларни етиштириш учун самарали минерал ўғит ва 48-72 соат ичида парчаланадиган, юмшоқ таъсир этадиган дефолиант сифатида қўллашга тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.78.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТЕРМЕЗСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

КАРШИНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ПАНЖИЕВ АРЗИКУЛ ХОЛЛИЕВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПРОИЗВОДСТВА ЦИАНАМИДА
КАЛЬЦИЯ НА ОСНОВЕ МЕСТНОГО СЫРЬЯ**

02.00.13 – Технология неорганических веществ и материалов на их основе
(Технические науки)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТЕРМЕЗ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.4.PhD/T1399.

Диссертация выполнена в Каршинском государственном университете.
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета www.tergu.uz и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель:

Тоиров Зокир Каландарович
кандидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Шукуров Жамшид Султонович
доктор технических наук,
старший научный сотрудник

Эшмуродов Хуршид Эсанбердиевич
доктор философии по техническим наукам

Ведущая организация:

Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «19» 07 2021 г. в «10⁰⁰» часов на заседании Ученого совета PhD.03/30.12.2019.T.78.01 при Термезском государственном университете по адресу: 190111, Сурхандарьинская область, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz.

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре в Термезском государственном университете под № 6, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (190111, Сурхандарьинская область, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «6» 07 2021 года.

(протокол рассылки № 4 от «6» 07 2021 г.).



И.А.Умбаров

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., доц.

Ш.А.Касимов

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней, д.ф.х.н.

Р.В.Аликулов

Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.х.н., доц.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В результате использования на протяжении длительного времени таких азотных удобрений, как аммиачная селитра, карбамид и сульфат аммония привело на сегодняшний день к повышению уровня кислотности почв, что, в свою очередь, оказывает негативное воздействие на урожайность сельскохозяйственных культур. Растения намного эффективнее усваивают азот из цианамид кальция, растворимость которого в 70 раз ниже, чем у аммиачной селитры. Наряду с этим, цианид кальция играет важную роль в производстве фармацевтических препаратов, пластмасс, искусственных смол, красителей, дефолиантов.

На сегодняшний день цианамид кальция широко используется в мире в качестве важного азотного минерального удобрения для выращивания сельскохозяйственных культур на засоленных почвах и в условиях ограниченности водных ресурсов. При этом промышленности в целях совершенствования технологии производства цианамид кальция уделяется особое внимание научно-исследовательским работам, направленным на определение воздействия таких специальных добавок, вносимых в шихту для получения качественной готовой продукции, как оксид магния, хлорид кальция, оптимизацию условий технологических процессов, обоснованию с кинетической точки зрения протекающих реакций.

В химической промышленности нашей страны достигнуты определенные результаты по производству новых видов материалов, в том числе предприняты масштабные меры в сфере обеспечения внутреннего рынка импортозамещающими химическими реагентами. Особое внимание уделяется реализации мер по научно обоснованной системе функционирования промышленных объектов и охране окружающей среды посредством внедрения инновационных технологий. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан обозначены важные задачи, направленные на «развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов». Важное значение в этом направлении имеет производство азотных минеральных удобрений на основе местного сырья, расширение их ассортимента, разработка технологии получения местных ресурсов, в том числе известняка, аммиачной селитры и цианамид кальция, для снижения их себестоимости.

Диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 07.02.2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-3983 25.10.2018 г. «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан» и Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-4265 03.04.2019 г. «О мерах по

дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», а также других нормативно-правовых актах, касающихся соответствующей деятельности.

